XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 20 - noyabr VI-59-148-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман маданият бўлимига маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 25 декабр куни мамлакатимиз ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумининг 100-сонли баёнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2021 йил 9-сонли баёнида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 42,0 (қирқ икки) млн. сўм маблағни туман маданият бўлимига ажратиш ва бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман маданият бўлими (У.Бахрамов)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров)га маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ҳисоб рақамга ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга

ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**